



Ishonch

Мохият

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур, Билим қайда бўлса, буюклик бўлур.

Юсуф Хос Ҳожиб

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 май кунин Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлисининг иштирокчиларини қабул қилди.

— Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида бўлажак саммитга тайёргарлик ишлари сарҳисоб қилини ҳафта саммитда кўриб чиқиладиган ҳужжатлар белгилаб олинди. Мазкур ҳужжатларнинг имзоланиши ШХТни янада ривожлантириш ва нуфузини оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиди, — деди Президент Ислам Каримов.

Оқсаройдаги учрашувда ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкентда бўлажак мажлисига тайёргарликнинг борлиши муҳокама қилинди, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга доир долзарб масалалар кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари ШХТнинг турли тизимлари томонидан қарорлар қабул қилиш механизмларини оптимallasштириш ва янада такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратди. Учрашув қатнашчилари давлатимизнинг ШХТ нуфузини янада ошириш, Марказий Осиёда сарможий ҳамкорлик қўламини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Меҳмонлар қайд этганидек, Ўзбекистоннинг ШХТни ривожлантириш стратегиясини белгилашдаги, шу билан бирга ҳозирги замон халқаро сиёсатида оид кўлаб масалалар бўйича фаол позицияси юксак самаралар бермоқда. Мамлакатимизнинг бундай нуфузли халқаро ташкилотга раис сифатидаги фаолияти натижасида БМТ Бош ассамблеяси бир овоздан БМТ билан ШХТ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Резолюцияни қабул қилди, шунингдек, ушбу ташкилотлар қотибятларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Мазкур ҳужжатларда икки ташкилот ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари ва истиқболлари белгилаб берилган.

ШХТга аъзо давлатлар ташқи сиёсат маҳкамалари делегаларлари раҳбарлари самийи қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик изхор этиб, Тошкентда бўлажак ШХТ саммити тадбирлари юксак савияда ўтишига ишонч билдирдилар.

(ЎЗА)

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 22 май кунин Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси Давлат котиби — ташқи ишлар вазири К.Саудабоев, Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ян Цзечи, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари — Қирғизистон Республикасидан ШХТ миллий мувофиқлаштирувчиси Т.Макеев, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири С.Лавров, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Х.Зарифий ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В.Норов иштирок этди.

Мажлисида ШХТ Бош котиби М.Иманалиев ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Ижроия қўмитаси директори Ж.Жуманбеков иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов делегаларлар раҳбарларини қабул қилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси Ўзбекистон томони раислигида ўтди.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси (Тошкент, 2010 йил 10-11 июн) тайёргарлик юзасидан Ташкилот доирасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид қатор долзарб мавзулар кўриб чиқилди.

Долзарб минтақавий ва глобал муаммолар, жонхондаги вазият ривожининг асосий тенденциялари, шунингдек, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, ШХТнинг нуфузли халқаро тузилма сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, унинг бошқа халқаро тузилмалар билан алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Делегалар раҳбарлари ҳозирги мураккаб вазиятда Қирғизистон халқи билан бирдам эканликларини изхор этдилар. ШХТ маконидagi хавфсизлик ва барқарорлик ушбу ташкилотга аъзо ҳар бир давлат, жумладан, Қирғизистон Республикасидagi хавфсизлик ва

барқарорлик билан чамбарчас боғлиқдир. ШХТга аъзо давлатлар Қирғизистон Республикаси мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини эътироф этган ҳолда, мазкур мамлакатга зарур ёрдам кўрсатишга ва уни қўллаб-қувватлашга тайёр.

Делегалар раҳбарлари ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2009 йил 15-16 июн кунлари Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган мажлисидан кейинги вақт мобайнида Ташкилотни янада мустаҳкамлаш, унинг доирасида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш, ташқи алоқаларни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганини таъкидладилар. ШХТ минтақда иқтисодий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлаш ШХТга аъзо давлатларнинг хавфсизлик борасидаги устувор вазифаси экани қайд этилди. Томонлар терроризм, айирмачилик ва экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний айланиши ҳамда трансмилий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканлигини таъкидладилар.

Учрашув иштирокчилари терроризм, наркотикларнинг ноқонуний айланиши, трансмилий уюшган жиноятчилик таҳдидлари давом этаётган Афғонистондаги мураккаб вази-

ят юзасидан жиддий ташвиш билдирдилар. Таъкидландики, Афғонистон билан боғлиқ муаммоларни ҳал этмай туриб, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаб бўлмайди.

ШХТга аъзо давлатлар халқаро ҳамжиъатининг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришда БМТнинг етакчи ролини таъкидладилар. Улар Афғонистон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар ва БМТ шафёлигида ва Афғонистон вакиллари иштирокида Афғонистон Ислам Республикасини тинч ва барқарор давлат сифатида шакллантиришга доир музокаралар жараёнини давом эттириш тарафдоридилар.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, савдо ва инвестициялар учун қулай шартот яратиш, савдо, молия, энергетика, транспорт, коммуникациялар, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника соҳаларидаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш минтақда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳасининг ташқи ишлар вазирлари томонидан маъқуллаши ШХТ Хартияси мақсадлари ва тамойилларига, шунингдек, Ташкилот доирасида қабул қилинган бошқа халқаро шартномалар ва ҳужжатлар қонунчилиги ривож этиш мажбуриятини зиммасига оладиган минтақанинг бошқа давлатлари учун ШХТ очкилигининг тасдиғи бўлди. Мазкур Низомнинг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкентда бўладиган мажлисида тасдиқланиши Ташкилотни кенгайтириш механизминини шакллантириш жараёнининг бошланиши бўлади.

Делегалар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан ШХТ ва БМТ ко-

отибятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланишини (Тошкент, 2010 йил 5 апрел) қўллаб-қувватладилар. Мазкур декларацияда, БМТ Бош ассамблеясининг 2009 йил 18 декабрдаги А/64/183 сонли резолюциясида белгиланганидек, икки ташкилот ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари ўз ифодасини толган.

ШХТнинг доимий фаолият кўрсатувчи органларига хавфсизлик ва барқарорликни, иқтисодий, иқтисодий ва гуманитар ривожланишни таъминлаш масалалари бўйича БМТ, АСЕАН ва бошқа халқаро ташкилот ҳамда тузилмалар билан ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш тавсия этилди.

ШХТнинг Тошкент саммитида тасдиқландиган Ташкилот процедуралари қондалари ШХТнинг янада изчил ривожланиши ва мустаҳкамлашига, Ташкилотнинг доимий фаолият кўрсатувчи органлари ишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, қабул қилинган қарорлар ижроси самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Ташкилот доирасида кузатувчи давлатлар ва ШХТнинг мулкот бўйича шериклари билан турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

ШХТ Бош котиби М.Иманалиев Ташкилот Котибиятининг ўтган йилги фаолияти тўғрисидаги Иқтисодий ва Инвестициялар уюшмаси раҳбарлари томонидан маъқуллашди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси аъза давлатлари ва ўзаро ҳамжиъатлик руҳида ўтди.

(ЎЗА)

Бугун мамлакатимизнинг барча мактабларида сўнгги кўнги-роқ садолари янграйди. Айни пайтда Халқ таълими тизимида 9772 та умумтаълим, 305 та мусика ва санъат, 425 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият кўрсатмоқда. 2009-2010 ўқув йили бўйича мактаб ўқувчиларининг сони 4895,6 минг нафарни ташкил этади. Шулардан 598,1 минг нафари бу йилги 9-синф битирувчилари ҳисобланади. Битирувчилар орасида спорт йўналиши бўйича бир қатор ютуқларга эришган ёшлар сони 44 нафарни ташкил этса, мусика бўйича халқаро миқёсда ўтказилган танловларда қатнашган 5 нафар ўқувчи-ёшлар юртимиз довруғини таратиб қайтдилар. «Зулфия» номидаги Давлат мукофотига жорий йилда халқ таълими тизими бўйича 7 нафар ўқувчи ва талаба киз сазовор бўлишди. Куйида ана шундай иқтидорли ёшларни тарбиялаб бераётган мактаблардан бири ҳақида хикоя қиламиз.



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Хайр мактаб, салом келажак!

Булғур тумани марказидан 18 қақчим олисдаги Ниёзмат қишлоғида жойлашган 11-мактабга қадам кўйarkanман, кўз олдимдан болаликнинг беғубор лавҳалари бирин-кетин ўта бошлади. Бундан ўн беш йиллар олдин экилган теppаклар самога буй чўзиб, биз билан бирга улғаяётгандек гўё.

Болалик хотираларини жонлантириш умидида та-наффусда синфдошларимиз билан уйнайдиган тепалик

томон одимлайман. Бу ер ҳар доимгидек гавжум бўлса-да, тендошларимдан биронтаси кўринмайди. Биргина Туркистон тизма тоғларининг хануз қафтдек кўриниб туриши унинг олдида инсон умрининг нақадар ўткинчи эканлигини ёдга солиб туради.

Мазкур зиё максанида 725 нафар ўқувчининг саводли бўлиб, оқ-корани ажрататиши, ҳаёт сўмоқларидан қоқилмай ўтиши учун 56 нафар муаллим фидойилар-

ча меҳнат қилапти. Ҳар йили ўтказиладиган фан олимпиадасида ўқувчилар эришяётган ютуқлар ус-

Сўнгги кўнгироқ

тозларнинг меҳнатига берилган чинакам баҳодир. Мактабда турли байрамлар

муносабати билан уюштириладиган тадбирлар, спорт ва соғломлаштириш ишлари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар шанба кун омавий мусобақалар ўтказилади. Шахмат, шашка, волейбол, баскетбол, футбол тўғрақлари ташкил этилган.

Кутубхонадаги ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндаларининг асарлари, турли фанлар бўйича қўлланмалар болалар ихтиёрида. Алоҳида эътибор эғтиш жоизки, мактабнинг иқтидорли ўқу-

чилари Самарқанд вилояти миқёсидa ўтказиладиган аънавий «Сиз тарихни биласизми?» танловининг доимий иштирокчиси ҳисобланади. Улар тарих ўқитувчиси Шеркул Сунонов, адабиёт ўқитувчиси Дилором Жалилова ҳамда мусика ўқитувчиси Мавлон Баротовнинг саъй-ҳаракатлари, тинимсиз ишланишлари тўғрисида биз неча йилдан бери оқори ўринларни эгаллаб келаяпти.

(Давоми 4-бетда)

Янги кун янгиликлари

Оқангарон маийшият кўрсатиш хўжалик касб-хунаp коллежида «Бекор болдцеммент» МЧЖ касба уюшма кўмитаси томонидан амалга оширилган ишларни тарғиб этиш, кўнмита раислари малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинар ташкил этилди.

Тажриба оммалаштирилди

Иштирокчилар «Иқтисодий шерикчилик муносабатларида ходимлар ҳумосини таъминлаш борасида жамоа шартномасининг моҳияти», «Бошланғич касба уюшма ташкилотининг вазифалари ва ташкилий ишларнинг асослари», «Касба уюшма бюджетини тузиш ва ҳисоб-китобни олиб бориш» сингари мавзуларда маърузалар тинглашди.

Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

А.УМАРОВ, Курилиш ва курилиш ашёлари саноати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилоят вакиллиги етакчи мутахассиси

«Кумкўргон» дехкон бозоридa пластик карточкага мунтазам равишда гўшт сотилиши йўлга қўйилди. Ҳар кун навбат билан 14 та фермер хўжалиги вазни 200 килодан зиёд қорамол, 13 та фермер хўжалиги 2-3 тадан куй сўйиб, бозорга арзон нарҳда етказиб бермоқда.

Пластик карточкага

— Гўшт сотишдан тушган маблағ ширкат ва фермер хўжаликларининг кредит қарзларини тўлашга йўналтирилади. Айни пайтда гўштни пластик карточкага сотаётган 2 та дўкон ишлаб турибди. 2010 йилнинг майдан бошлаб ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинида ана шундай дўконлар ташкил этилиб, гўшт сотишни йўлга қўямиз, — дейди Кумкўргон туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифини баҳарувчи Шароф Ражабов.

Руслан ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

«Хоразм шакар» қўшма корхонаси касба уюшма кўмитаси томонидан байналмилалчи жангчи ва «Чернобил АЭС»и халокатини бартараф этишда қатнашган собиқ ҳарбийлар учун Бухоро ва Қарши шаҳарларига саёҳат уюштирилди.

Мароқли саёҳат

Бу каби саёҳатлар аъзоларимизнинг кайфиятини кўтариб, саломатлигини мустаҳкамлашга ҳам ёрдам берапти.

М.БОБОЖОНОВ, «Хоразм шакар» қўшма корхонаси касба уюшма кўмитаси раиси



Қарс икки қўлдан

Мустақиллик йилларида юртимизда иқтисодий янада мустақамлаш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Бунда қасаба уюшмалари ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзини кўрсатиб келмоқда.
Вилоят қасаба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнатқашлар, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ходимларга меҳнат шартинларини яратиш, уларни ҳамда фарзандларини соғломлаштириш, дам олдирини, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига кенг жалб этиш, маънавий дунёқарошнинг ўстириш каби йўналишларда олиб борилаётган ишларни тарғибот-ташвиқот қилиш мақсадида, 2009 йил давомида республика ҳамда вилоят оммавий ахборот воситалари, хусусан телевидение, радио, матбуот нашрлари билан ўзвий ҳамкорлик ўрнатилди.

Матбуот билан ҳамкорлик

Фаолиятимизнинг такомиллашувига хизмат қилмоқда

денясида кенгаш фаолиятини акс эттирувчи «Юрт таянчи» курсатуви ҳар ойда эфирга узатиб боришмоқда. 2009 йили ташкил қилинган «Ҳаёт дарси» курсатуви нафақат ёшларнинг, балки бутун вилоят ахлининг қасаба уюшмалари тўғрисидаги тасавурларини кенгайтиришга, билимларини мустақамлашга хизмат қилмоқда.
Шунингдек, алоқа ходимлари қасаба уюшмаси вилоят вакиллик ва ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноти ва геология ходимлари қасаба уюшмалари вилоят вакилликларининг бу борадаги ишлари ҳам салмоқли бўлди.

Қасаба уюшма ташкилотлари вакиллари ўзқўшқ ҳамда «Ishonch» газетаси томонидан таъсис этилган «Инсонга наф келтириш — олий бахт» таловида фаол қатнашиб келаётгани ҳам эътиборга лойиқ. 2007 йил таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Нодира Одамбоева фахри биринчи ўринни қўлга киритган эди. 2009 йил эса АСМ ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Шодмонжон Одамова учинчи ўринга сазовор бўлди. Қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи мутахассиси

Жамоа шартномалари амалда

Ижтимоий ҳимоянинг энг илғор усули — иш билан таъминлаш

«Ўзметмашсаноят» ходимлари қасаба уюшмаси Андижон вилоят раислар кенгашининг раиси Баҳромжон ҚУРБОНОВ билан суҳбат

— Бу йил барча бошланғич қасаба уюшма ташкилотларида кейинги 5 йил давомидаги фаолият «чиғриқ»дан ўтказилиб, амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Суҳбатимизни сиз етакчилик қилаётган тармоқда ўтказилган ҳисобот-сайлов яқунлари ҳамда олданда турган вазифалардан бошласак...
— Албатта, қасаба уюшма бошланғич ташкилотлари учун энг муҳим палла бўлмиш ҳисобот-сайловлар якунига етди. Аввалдан бу жараёнга пухта ҳозирлик қўриб, бошланғич ташкилотларда ўқув-семинарлари ўтказганимиз ўз самарасини берди. Ушбу тадбирларда 23 мирандан зиёд қасаба уюшма аъзоси қатнашди.

Утган йил жамоа шартномалари орқали ҳар бир ходимга ўртача 576 миран сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.
Меҳнат муҳофазасини тақомиллаштиришда фаол қатнашган жамоатчи вакиллари рағбатлантириш учун бир қатор имтиёزلар бор. Айниқса, «Ўзавтосаноат» компаниясига қарашли «GM-Ўзбекистон», «GM-Ўз Донг Жу Пенинг», «Ўз Коджи» ва бошқа корхоналарда бу йўналишдаги ишлар яхши йўлга қўйилган. Тармоқ Марказий кенгаши ва «Ўзавтосаноат» компанияси томонидан ҳар йили ўтказилган меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқариш эстетикаси бўйича кўриқ-танловларда вилоятимиз вакилларининг голиб қилаётгани беҳиси эмас, албатта.

Шунинг учун аъзоларимиз ва бошланғич ташкилотларимиз сонини ошириш йўлида имкон бўлди деғунча илганаверимиз.

— Тармоқда нафақат корхоналар ишчи-ҳодимлари, балки талабалар ҳам аъзо саналади. Маънавият ва маърифат соҳасида ёшлар ўртасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Тармоқдаги ўқув юртлари талабаларининг маънавий ҳаёти доимо диққатимиз марказида. Коллежлар маънавият хоналари учун адабийтарғиб, қасаба уюшма кўмиталарига эса спорт жиҳозлари олиб бериш йўлга қўйилди.

— Албатта, қасаба уюшма бошланғич ташкилотлари учун энг муҳим палла бўлмиш ҳисобот-сайловлар якунига етди. Аввалдан бу жараёнга пухта ҳозирлик қўриб, бошланғич ташкилотларда ўқув-семинарлари ўтказганимиз ўз самарасини берди. Ушбу тадбирларда 23 мирандан зиёд қасаба уюшма аъзоси қатнашди.

Барча, 45 та бошланғич ташкилотимизда кўмита раислигига билимий, интилувчан, ташаббускор ва жамоа хурматига сазовор инсонлар сайлангани қувонарлидир.

— Ҳар бир ташкилотда жамоа шартномалари тузилган бўлиб, унинг бандлари бажарилишига кўп нарсаси боғлиқ. Ушбу муҳим меъёрий ҳужжат ҳар бир ишчи-ҳодим манфаатини ҳимоя қилади. Янги корхона ва хусусий ташкилотларда жамоа шартномалари тузишда нималарга кўпроқ эътибор қаратишмоқда?

— Агар ташкилотда қасаба уюшмаси бўлмас экан, бу ерда ишлаётганларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилишда муаммолар кўп бўлади. Бу ҳаётий ҳақиқатни корхона ва ташкилотларга етказаяпмиз. Натияжада, ўтган йили «Автокомпонент», «Аср-автотранс» ва «Мемер-Теч» сингари хусусий корхоналарда қасаба уюшма ташкилотлари тузилиб, аъзоларимиз сони 2487 нафарга кўпайди. Жамоа шартномаларини тузиш ва бажаришига жиддий ёндашилган бўлиб, у корхона ва ташкилотларимиз учун асосий меъёрий ҳужжатга айланди.

Баркамол авлод йили муносабати билан меҳнат жамоаларининг голиб қилаётгани беҳиси эмас, албатта. Шунингдек, алоқа ходимлари қасаба уюшмаси вилоят вакиллик ва ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноти ва геология ходимлари қасаба уюшмалари вилоят вакилликларининг бу борадаги ишлари ҳам салмоқли бўлди.


Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига сафарлар уюштирилди. Ижтимоий муҳофазаси муҳтож иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010 йил учун 8 та стипендия жорий қилинди.

Коллежларнинг амалиёт ўтаётган ўқувчилари учун иш жойида етарли шароит яратиш, уларнинг меҳнатини муҳофазаси қилиш корхоналар қасаба уюшма кўмиталари назоратида. «Ўз Донг Янг» қўшма корхонасида бундай ўқувчилар иссиқ овқат ва муносабат ишчи-ҳодимларининг асақа автомобилсозлик коллежининг 400 ўқувчиси эса «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонасида касб сирларини ўрганмоқда.

Ҳали қилинадиган ишлар кўп. Энг асосий мақсадимиз ишчи-ҳодимлар манфаатини биринчи ўринга қўйиш, улар учун етарли иш ва дам олиш шароитлари яратиш ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлиб қолаверади.

Суҳбатдоши: Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Бандлик
Гиламчилик
Цехи



Бундан тўрт йил муқаддам ташкил этилган «Ражабов Нодирбек Низомович» фермер хўжалиги ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан ҳам сазавотчилик ва пиллачиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этиш ташаббуси билан чиқди.

Фермер хўжалиги ҳузурида хотин-қизлар учун жемфөр ва бошқа иссиқ кийимлар тўқиш йўлга қўйилди. Тумандаги «Bats International company» хорижий корхонасининг қўллаб-қувватлаши туфайли, Эрон гиламлари ишлаб чиқарила бошланди.

— Бир йилдан бери янги маҳсулот тайёрлаш билан шуғулланаяпмиз, — дейди цех бошлиғи Дилором Қурбонова. — Маҳаллий хомашдан тўқилган гиламларимиз ўзининг сифатлиги ва жозибдорлиги билан буюртмачиларга манзур бўлаяпти.

Хотин-қизлардан 43 нафари иш билан таъминланди. Бундан ташқари, кўшни Дашт кишлоғидаги 20 нафар уй бекаси ҳам қасаба уюшмасида жалб қилинди.

— Янги цехнинг ишлаши нур устига нур бўлди, — дейди фермер Нодирбай Ражабовнинг таъкидлашича, цех фаолиятининг йўлга қўйилиши жамоаниннг иқтисодий имкониятини кенгайтириб, фукорлар моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

И.ИСОМИДИНОВ

Харбий ислохотлар жарайида сержантларнинг қисм ва бўлинмалар жанговар шайлигини, маънавий-маърифий тайёрлик сифатини ошириш, интизомни мустақамлашда тугган ўрни бекиб.

Тадбир

«Сержантлар таркиби форуми»

Марказий харбий округ қўшинларининг илк бор ўтказилган анжумани ана шундай номланди

Анжумани Марказий харбий округ қўшинлари кўмондонининг биринчи ўринбосари Фарход Шерматов очар экан, Мудофаа вазирлиги қўшинлар тайёрлик режасига асосан харбий интизомни мустақамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда сержантларнинг ролини ошириш муҳимлигини таъкидлади.
Шундан сўнг сўзга чиққанлар эришлайган муваффақият билан бирга, айрим муаммоларга ҳам тўхталишди.

Иштирокчилар турли мавзулардаги саволларига атрафли жавоб олишди.
Округ «Сержантлар таркиби форуми»нинг Марказий харбий округ қўшинлари шахсий таркибига мурожаати қабул қилинди.
Бир гуруҳ илғор сержантлар округ кўмондонлигининг ташаккурнома, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғаларига сазовор бўлди.
Форумда харбий прокуратура, Марказий харбий округ

қўшинлари кўмондони ўринбосарлари, округ бошқармаси, кўшин ва хизмат бошлиқлари, харбий қисм командири, муассаса бошлиқлари ва уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этди.
Анжуманда Юнус Ражабий номи Жаззах мусиқали драма театри артистлари намоиш этган томошалар ййқилганларга завқ бағишлади.
Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

«Кўнғирот» болаларга кучок очмоқда



Хар йили Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ёзги таътилда Оролбўйи темирйўлчиларининг фарзандларини соғломлаштиришга катта эътибор қаратилади. Бу йил ҳам «Кўнғирот» санаторий-профилакторий мавсумга шай қилиб қўйилди.

— Тўрт йилдан буй ёз пайти сихатгоҳда болалар оромгоҳи ташкил этилади, — дейди «Ўзбекистон темирйўллари» ДАТК Кўнғирот минтақавий темирйўл узели қасаба уюшмаси ҳудудий кўмитаси раиси Каблан Рабаев. — Бу йил сихатгоҳда 250 бола

соғломлаштирилади. Ҳар бир хонада икки бола туради. Сихатгоҳнинг ўз қозонхонаси бўлгани учун хоналар иссиқ-совуқ сув билан таъминланган. Кенг ва шинам фойега катта экранли телевизор ҳамда видеоаппаратура қўйилган.

Бино ичида жойлашган тренажёр, теннис столи, ташқаридаги спорт майдончалари ва 7000 дан ортиқ китоб ҳамда газета-журналлар

ага кутубхона болалар ихтиёрида. Уларга 4 маҳал овқат билан бирга, турли дармондорилар ҳам бериб берилади.

— Энг асосийси — малакали шифокор ва ҳамширалар томонидан сув билан даволаш муолажалари қатори турли аппаратлар ёрдамида физиотерапия муолажалари қилинади, — дейди бош врач Абдумалик Болтабоев.

Адхам ДАМИНОВ

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тўғри тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди бизнинг зиммамизга тўлов муддати ўтган қарзларни йиғиш ва юридик шахслар томонидан истъёмол қилинган электр энергияси учун маблағларнинг тўлиқ тўшишини назорат қилиш вазифаси юклатилганди. Шундан келиб чиқиб, «Тошкент шаҳар ЭТК» ОАЖ ва бошқа тегишли мутасадди идоралари билан ҳамкорликда бир қатор чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқдик.

Зиммамиздаги вазифа

2010 йил 1 апрел ҳолатига кўра 15 мирандан ортиқ хўжалик юритувчи субъект электр энергияси истъёмол учун «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ билан шартнома тузган. Ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижасида 2010 йил учун шартнома тузмаган 11 та юридик шахс аниқланиб, улар билан шартномалар тузилди. Бундан ташқари, 30 дан ортиқ юридик шахсларга замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатилди.

2010 йил 1 чораги давомида солиқ идоралари томонидан «Тошкент шаҳар ЭТК» ОАЖнинг туман бўлинмаларидан истъёмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйган 345 та юридик шахсининг 1 млрд. 118,8 млн. сўмлик тегишли ҳужжатлари реестрлар асосида қабул қилиниб, мажбурий ундирувга қаратиш учун хўжалик судига аризалар киритилди.

Натижада, хўжалик суди томонидан чиқарилган суд қарорлари асосида 1011,9 млн. сўмлик қарздорлик ундирилди.

Бундан ташқари, 2010 йил 1 чораги давомида «Тошкент шаҳар ЭТК» ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда шаҳар бўйича истъёмол қилинган электр энергияси учун хўжалик юритувчи субъектлардан жами бўлиб 43 млрд. 214,3 млн. сўм ундирилди.

Солиқ идоралари томонидан ўтказилган назорат ишлари натижасида, 60 дан ортиқ ҳолатда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолати аниқланди. Айрим ҳолатлар бўйича ҳужжатлар чора кўриш учун тегишли мутасадди идораларга юборилди.

Азиз ХОЛДОРОВ, Тошкент шаҳар ДСБ бўлим бошлиғи

Чорвачилик — касабани уюшма оталигида



Сони бор, салмоғи хам

«Файз» нафақат Гиждувонда, балки Бухоро вилоятида чорвачиликка ихтисослашган намуна фермер хўжаликларида бири. Айни пайтда бу ерда 390 бош қорамол парвариш қилинмоқда. 128 бош сигирнинг 85 таси соғилади. Кунлик сут миқдори эса 850-900 литрни ташкил этаётди. Хўжалик иш юритувчиси Рауф Рустамовдан бундай юқори натижа сирини сўрадик.

— Сигирнинг суги тилида, деб бежиз айтишмаган, — гап бошлади сўхбатдошимиз. — Етарли миқдорда ем-хашагимиз бор. Уч йилдики моллар сотини яхшилашга ҳаракат қилинапти. Бугун хориддан харид қилинган зотдор қорамоллар 80 бошдан ошди. Дастлабки гунажиндан ҳозиргача икки марта соғлом бузоқ олдик. Харидорлар сони кўпаймоқда. Сотилган ҳар бир бузоқ пулига бозордан 2-3 та жайдари қорамол харид қилиш мумкин. Молларимиз соғломлигини таъминлашда «Гулистон ветфарм чорваси» ветеринария шохобчасининг хам хизмати бор.

Зарангари ҚФЙда бўлганимизда, «Норпўлат Хамид» хусусий зооветеринария шохобчаси мудири Обид Норпўлатов фаолияти эътиборини тортди. 2206 хонадондаги чорва молларига хизмат кўрсатадиган жамоада кейинги йилларда мол бош сони хам, маҳсулдорлиги хам кескин ошганини айтишди. Аҳоли зотдор молларни кўпайтириш йўлидан бориб кам бўлмапти. Худудда қорамоллар сони 5751 тага етган бўлиб, уларнинг 2415 боши сигирлар.

Бу ерда сунъий қочириб яхши ташкил этилган. «Кизил чўл» ва «Кора ола» зотларининг рекорд

синфига мансуб, юқори маҳсулдорликни таъминлайдиган уруғлари бор. Аҳоли ва чорвадор фермерлар ўртасида бу зотларга қизиқиш кучаймоқда. Масалан, ўтган йилнинг бошида аҳолига тегишли 80 бош қорамол сунъий қочирилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу миқдор 121 тани ташкил этади. Яна бир мисол. Абади қишлоғида яшовчи Фанишер Сайфуллаев қарамоғидаги сигирини «Кизил чўл» зот билан уруғлантирган эди, яқинда шу сигирдан туғилган бузоқнинг оғирлиги 40 килограммдан зиёдлиги аниқланди.

Кўриниб турибдики, қишлоқ жойларда зотдор молларни кўпайтириш, ветеринария хизмати кўрсатиш даражасини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган ҳаракатлар изсиз кетмапти. Тўғри-да, бир сигирни боқиб, ундан кунига 4-5 литр сут олиш қаяқда-ю, уларнинг зотдоридан 15-20 литр сут олиш қаяқда! Аксарият ҳолларда сўйилмайдиган қорамолларнинг вази 200 килограмм атрофида бўлади. Аммо уни 500-600 килограммга етказиб сўйишга не өтсин!

— Халқ фаровонлиги учун бошланган бундай хайрли ишларда биз хам фаол иштирок этаймиз, — дейди агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси вилоят кенгаши раиси Абдусалом Раҳмонов. — Жойлардаги зооветеринария шохобчалари, дохионалар фаолиятини янада яхшилашга кўмаклашиш, кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишлари ва мониторинг юритишга ўз хиссамизни қўшаёемиз.

Иззатгулла ХОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўтган асрнинг ўрталарида Қарши туманининг Каманди қишлоғида Каром темирчи деган бир аждоғим йил бўлиб ўтган. Толмас билан хўнарамнинг қатта йул ёқасида мўъжазгина устахонаси бўлиб, ҳақиқий пўлатдан белкуррак, кетмон, панишаха, ўрок, пичоқ каби ашёлар ясаларди.

Каром бобонинг кўлидан чиққан буюмлар сифати ва чидамлилиги билан нафақат Қашқа воҳасида, хатто қўшни Туркменистон, Тожикистон

Қизиқиш қишлоқ кизини камолот пиллапояларига олиб чиқди. Йигирма йилдики, меҳнати орқасидан обрў топиб юрибди. Қарши

Қундузойнинг тортлари

томонларда хам харидоргир бўлган. У Марказий Осиёда доврқ таратган бўлса, кенжа набираси Қундузой ўзининг ширин-шаккар тортлари, хилма-хил пиширикларни, ўзбек бугдойидан тайёрланган бўрсилдоқ ширмойи нонлари билан халқаро танловларда иштирок этиб, эл-юрт обрўсига обрў қўшмоқда.

— Синглим болалигида хам ошхонадан чиқмас эди, — дейди таниқли журналист, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комила Каромова. — Раҳматли онамининг ёнида туриб, пазандалик сирларини ўрганди.

тумани маркази Бешкент қўрғонидан ташкил этилган «Гулшан» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси маҳсулотлари бугун барчага манзур.

— Қундуз Каромова «Тадбиркор аёл» ассоциациясининг туман бўлимига раҳбарлик қилиб, хотин-қизлар ўртасида кичик бизнес ва ишбилармонликни ривожлантиришга муносиб хисса қўшиб келаяпти, — дейди вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Ойниса Очилова. — Хусусий қорхона ҳузуридаги ўқув марказида ёшларга ўз касби сир-асорларини ўргатмоқда. Ишбилармон талай хори-

жий давлатларда бўлиб, тажриба орттирди. Қорхонасида янги технология ўрнатилгач, ишлари янада кўсалиб, 35-40 миллион сўм соф фойда олди. Иш ўринлари икки бараварга ортди.

2007 йил май ойида


Тадбиркор ва ҳаёт

дейди Қундузой. — Тадбиркорлар учун ўзимизда яратилган шарт-шароитлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Айни пайтда Германия, Хитой, Россия технологияси асосида жиҳозланган қорхонада сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилапти. Айниқса, цитрус мевалари, банан, олча ва ўрик қўшиб тайёрланган тортлар мазаси ва витаминга бойлиги боис харидоргир.

Пазандалар Саодат ва Шаҳодат Маматова, Дилобар Бозорова тайёрлаётган 30 хилдан ортик нон, булочка, каймоқли патирлар, торт ва пиширикларни сўраб келувчиларнинг қадами узилмайди. Қундузой ўттиздан ортик кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилани ҳомийликка олиб, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. «Тадбиркор аёл» уюшмаси туман бўлимининг раиси сифатида эса хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратишга бошқош бўлапти.

Иззат ХИКМАТОВ,
«Ishonch»нинг жамоати мухбири



Президентимизнинг «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тизимасида Бозорлар ва савдо комплексларини назорат қилиш бош бошқармаси хамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тўшкент шаҳар бўлимлари ташкил этилди. Улар айни пайтда бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автомобил тўхташ жойлари,

Назорат Қонуний фаолиятни таъминлаш — пировара мақсадимиз

шунингдек, ушбу ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ваколатлари доирасида назорат қилмоқда.

Жумладан, бошқарманинг Тўшкент шаҳар бўлими томонидан Чилонзор буюм бозорида олиб бориладиган қисқа муддатли текширишлар натижасида бир қатор қонунбузарликларга чек қўйилди. Хусусан, бозорда чакана савдо фаолиятини юритаётган тадбиркор Р.Раҳмонов харидордан 95 миң сўм пул олиб, харид учун чек бермаган, 350 миң сўм нақд пул тушумини банкка топширмаган, Божхона хужжатларисиз, умумий қиймати 22,5 миллион сўмлик эркаклар кийим-кечаги билан савдо қилаётганлиги аниқланди. Бу ҳақда тегишли тартибда хужжатлар расмийлаштирилди. «Қатортол савдо» ҳудуд-

дида савдо қилаётган Қ.Мусаев, Чорсу буюм бозорида савдо қилаётган Г.Назаровнинг фаолиятида хам мана шундай қонунбузарликлар аниқланиб, тегишли хужжатлар расмийлаштирилган. Бу чораларнинг барчаси аҳолига турли сифатсиз маҳсулотлар сотилишининг олдини олишга қаратилган. Муҳими, шу орқали бозорларимизда турли чайқовчи, олибсатарлар ҳуқуқдорлиги барҳам берилиб, ҳақиқий ишлаб чиқарувчи ва деҳқонларимиз учун имкониятлар кенгайди.

Равайн РАЙМОВ,
Тўшкент шаҳар бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлими бошлигининг ўринбосари

Мамакатимиз сиаҳатгоҳлари орасида «Чортоқ санаторийси» акциядорлик жамиятининг ўз ўрни бор. Яқинда санаторий ташкил топганига 60 йил тўлди. Шу муносабат билан сиаҳатгоҳнинг маданият саройида катта тадбир ўтказилди. Меҳмонлар қарнай-сурнай билан кутиб олинди. Сўзга чиққанлар бу ернинг ноёб маъданли сувлари, ўзгал манзараси, шифокорларнинг жонқурлиги ҳақида гапирди. Жумладан, санаторийда даволанаётган тошкентлик Тошпўлатхожа Дўстматов шундай деди:

— Мен бу ерда 21 йилдан бери даволанаман. Оёғим оғрийди. Сиаҳатгоҳда бир марта даволанганим уч-тўрт йилга етади. Одамлар бу ерга ҳассага таяниб келиб, даволангандан сўнг уни ташлаб кетганининг шохиди бўлганман.

Йигиллида АЖ бошқарув раиси Шамсиддин Абдуназаров санаторий тарихи, ўтган даврда қилинган ишлар ҳақида гапирди.

«Чортоқ санаторийси» Наманган вилоятининг энг хушманзара масканларидан бири бўлиб, унда ҳаракат таяничи, нерв тизими, овқат ҳазм қилиш аъзолари, қандли диабет, буқоқ, тери, гинекологик ва андрологик, ўткир миокард инфарктдан кейинги реабилитация даврида келган беморлар даволанади. Муолажада йод-бром ва хлорид-натрий-кальций бирикмали маъданли сув ванналари, балчик, физиотерапиянинг турли хиллари, жисмоний тарбия, парҳез, руҳий таъсир қилиш усуллари қўлланилади.

Шифо маскани тарихи ҳақида шуни айтиш керакки, 1946 йили геологлар Чортоқсойда нефть қатлами бўлса керак деган тахминда қидирув ишларини олиб боради. Лекин бу ерда орзиқиб кутилган нефть ўрнига ер қаъридан иссиқ, тахир, шўр


сув катта босим билан отилиб чиқади. Унинг ҳосияти кейинроқ маълум бўлди. Натижада турли касалликларга шифо изловчилар бу ерга оқиб кела бошлади. 1947 йилнинг охирида Чортоққа Н.Семашко номидаги Ўзбекистон курортология ва физиотерапия илмий-текшириш институти олимлари таширф буюради. Улар ушбу маъданли сув қимматли хусусиятга эга деган хулосага келишади хамда Чехиядаги Карлова Вари курорти суви билан тенглаштириш мумкинлигини айтишади.

1949 йилнинг ўрталарида

1961 йилда 300 ўринга эга бўлган «Чортоқ» санаторийси очилди. Санаторий тарихига назар ташлар экансиз, бу ерда мўъжаз юз берганининг гувоҳи бўласиз. Масалан, москвалик мусиқачи аёл Г.Савари 15 йил давомида ревматизм-полиартрит касаллиги билан оғриган бўлиб, бўғимлари деформациялашиб, ҳаракатлари чеклиниб қолган. Шу сабабли касбини ташлашга мажбур бўлган. Чортоқда даволангандан сўнг у пианино чалиш бахтига муяссар бўлди. Александр исмли 10 ёшли бола эса автохалокат

хушмуомалалиги, бу ерда дам олиш ва даволаниш учун барча шароит муҳайё этилган ҳақида тўлқинланиб ёзишади.

Мамакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг сиаҳатгоҳнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, биноларини таъмирлаш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мисол учун 2007 йилда бир неча йилдан бери фойдаланилмаган 2-ётоқ бинони капитал реконструкция қилиниб, люкс хоналар ташкил этилди. Бундан ташқари, санаторийга умуртқа по-



Касаба уюшмалари шифо масканларида

«Чортоқ санаторийси» 60 ёшида

Чортоқда 30 ўринли балнеологик шифохона ташкил этилди. 1-қудуқнинг ёнига 5 та ванна ўрнатилди ва дам олиш хоналаридан иборат мўъжазгина бино қурилди. Ётоқхона эса 7 километр узоқликда туман марказида ташкил қилинди. 1950 йили курортнинг лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қурилишнинг биринчи босқичи бошлаб юборилди. 1950-йилларнинг бошларида 32-қудуқ қазилганда, 507 метр чуқурликдан чучук сув ўрнига маъданли сув чиқди. Унинг таркиби ўрганилганда машҳур «Трусковец» курортининг ошқозон-ичак, жигар, ўт йўли, қандли диабет, касалликларини даволашда қўлланиладиган маъданли сувнинг айнан ўзи эканлиги аниқланди.

туфайли умуртқа поғонаси шикастланиб, фалаж бўлиб қолган. Ушбу сиаҳатгоҳда даволангач, етакласа юрадиган бўлди. Бир йилдан кейин қайта даволаниб, тўла тузалди. Полиомеелит билан оғриб, бир неча йил юрломай қолган Алла Амосова Пермдан ушбу сиаҳатгоҳга келди. У даволангандан кейин шу ерда ишлаш учун қолган.

Бугунги кунда хам бу ерда минглаб беморлар дардига шифо топиб, сиаҳатгоҳнинг тақдир ва мулоқазалар дафтарида дил изҳорларини ёзиб кетишмоқда. Андижон шаҳридан Р.Қобилов, Жолоққуддан М.Матҳожиева, Қўрғонтепадан С.Солижонов ва бошқалар бу санаторийга бир неча марта келгани, ҳамшира ва шифокорларнинг

ғоналарини тортиб даволаш ва электр уқалаш аппаратлари олинди. Ванна бўлимига қўшимча 20 та ванна ўрнатилди ва уларнинг сони 35 тага етказилди. Ёрдამчи хўжалик ерларидан унумли фойдаланиш мақсадида 2-, 3-ётоқ бинолари орасидаги ташландинг ерга олма, 3-ётоқ биноси ва маданият саройи ўртасидаги ерга хурмо кўчатлари ўтказилди. Санаторий ҳудуди ободонлаштирилди. 2 та иссиқхона ташкил этилди.

Шунингдек, ҳозир ҳудуддаги бўш ерларда сабзи, қарам, картошка, турп, шолғом ва кўкатлар етиштирилиб, ошхонага берилаяпти. 2008 йилда даволаш ва ванна бўлимлари капитал таъмирланди. Санаторийни қишда узлуксиз энергия билан таъ-

лейбол, баскетбол, футбол, шахмат, шашка, билиард ўйнаши учун шароит яратилган. Кутубхонада уч миң нусхадан зиёд китоб бор.

Хуллас, шу кун байрам кўтаринки руҳда ўтди. Сўзга чиққан ЎЗКУФК раисининг ўринбосари Нормамат Аллаёров, Наманган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Аъзамжон Султонов, Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Пайзулло Паязов, Чортоқ туман ҳокими Алишер Бойхоновлар барчани юбилей билан табриқлашди. Курортлар бошқармаси томонидан сиаҳатгоҳга «Нексия» автомашинаси совға қилинди. Бундан ташқари, шу ерда бир неча йилдан бўён самарали меҳнат қилиб келаётган 25 нафар ходим Курортлар бошқармасининг фахрий ёрлиги ва пул мукофоти билан тақдирланди. Санаторийда ишлаб пенсияга чиққан 140 кишига дастурхон ёзилиб, совға-салом улашилди. Тадбирдан сўнг концерт ва кулгу кечаси ташкил қилинди.

Фулом ЮСУПОВ,
«Ishonch» мухбири

Риштон туманидаги 33-умумтаълим мактабида таълим-тарбия самардорлигини ошириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ўқитувчилар ўртасида янги педагогик иш тажрибаларини оммалаштириш, маънавий-маърифий ишлар кўламини кенгайтириш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда.



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакиллари Бухоро шаҳар Солиқ коллежи билан ҳамкорликда коллеж ётоқхонасида яшайдиган талабалар ўртасида спорт мусобақаси ташкил этилди.

Иштирокчилар стол тенниси, шахмат, шашка ва енгил атлетика бўйича ўзаро баҳslashдилар. Унда ётоқхонада яшайдиган ўқувчилардан 140 нафари қатнашди.

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Сидней Жаксон хотирасига бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтди.

Хайр мактаб, салом келажак!

(Боши -1 бетда) Касбим тақозосига кўра республикамиздаги кўплаб мактаблар фаолияти билан танишиш имконига эга бўлдим, — дейди тележурналист Бектош Азимов. — 11-мактабда бўлганимда бу ерда ўрнатилган тартиб-интизом, ўқувчиларнинг билимга ташналиги мени ҳайратлантирди.

Мураббийни хотирлаб

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Бокс федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган турнирдан кўзланган асосий мақсад С. Жаксоннинг ўзбек бокси тарихида тутган ўрни ва аҳамиятини халқро майдонга, кенг жамоатчиликка таништириш ва уни хотирлашдан иборат эди.

Ойсиҳат момони таниш-билишлари бой момо, деб қақришадиди. Фурсат топиб, момодан бунинг сабабини сўрадим.

Темир сандиқнинг сири

Эй, бой бўлиб ким бўлибман, тўғри, сандиқимда доим тўрт-беш сўм пул туради. Қарз беришни ёмон кўраман. Кимга? Ишлашга имконияти бўла туриб пулни беҳуда совурадиланларга. Тежамкор бўлишни раҳматли кайнотамдан ўрганганман.

«Гулистон» марказий ўйингоҳида соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилоят вакиллари ҳамда Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Барқамол авлод йиллига бағишланган «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди.

Майдонда — саломатлик посбонлари

Вилоятда тиббиёт ходимлари ўртасида турли мусобақалар ўтказиш аънана тусини олганлиги, ҳар бир муассасада спорт майдончалари мавжудлиги мунтазам равишда машғулотлар ташкил этиш имконини бераётир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 29 июнда давлат рўйхати олинган, СТИР 201138644, ОКОНХ 71124, Тошкент вилояти, Қўнраб тумани, Салар фуқаролар йиғини, С.Ақбаров кўчаси 35-уй манзилида жойлашган Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NEW YORK CENTER CO» хорижий корхонаси ўзининг ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йилда давлат рўйхати олинган, СТИР 201228738, ОКОНХ 72200, Тошкент вилояти, Қўнраб тумани, Салар фуқаролар йиғини, С.Ақбаров кўчаси 35-уй манзилида жойлашган Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «MS» Хорижий корхонасини қўшиб олиш асосида қайта ташкил қилинишини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йилда давлат рўйхати олинган, СТИР 201228738, ОКОНХ 72200, Тошкент вилояти, Қўнраб тумани, Салар фуқаролар йиғини, С.Ақбаров кўчаси 35-уй манзилида жойлашган Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NEW YORK CENTER CO» хорижий корхонасини қўшиб олиш асосида қайта ташкил қилинишини маълум қилади.

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a list of staff members.